

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР
ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

587 **Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар
ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари
педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш ме-
зонларини тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил
21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2849*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 апрел-
даги 107-сон «Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва мак-
табдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестация-
дан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига
мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирли-
гининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирли-
ги, Меҳнат вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест мар-
кази **қарор қилади:**

1. Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва мактабдан таш-
қари давлат таълим муассасалари педагог кадрларининг аттестация натижа-
ларини баҳолаш мезонлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

**Ўрта махсус, касб-ҳунар
таълими маркази директори**

У. САЛИМОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 21 ноябрь,
86/ққ-сон

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 21 ноябрь,
14-мх-сон

Меҳнат вазири**А. АБДУХАКИМОВ**

Тошкент ш.,
2016 йил 21 ноябрь,
37/ққ-сон

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест маркази директори****Ж. ИСМАИЛОВ**

Тошкент ш.,
2016 йил 21 ноябрь,
21/ққ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази,
Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат вазирлиги
ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат
тест марказининг 2016 йил 21 ноябрдаги
86/ққ, 14-мх, 37/ққ, 21/ққ-сон қарорига
ИЛОВА

**Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва
мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог
кадрларининг аттестация натижаларини
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
I. Мактабгача таълим муассасалари педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари		
1.	Машгулот (дарс) ўтиш маҳорати	жами 100 балл
а)	машгулот (дарс) таҳлиллари учун: <i>12 та ва ундан ортиқ машгулот (дарс) таҳлил қилинганда</i>	20 балл <i>20 балл</i>
	<i>8 — 10 та машгулот (дарс) таҳлил қилинганда</i>	<i>15 балл</i>
	<i>5 — 7 та машгулот (дарс) таҳлил қилинганда</i>	<i>10 балл</i>
б)	очиқ машгулотлар (дарслар) ўтганлиги учун (ҳар ўқув йилида):	20 балл
	<i>икки марта очиқ машгулот (дарс) ўтилганда</i>	<i>20 балл</i>
	<i>бир марта очиқ машгулот (дарс) ўтилганда</i>	<i>10 балл</i>
в)	давлат талаблари бўйича рейтинг кўрсаткичлари учун:	30 балл
	<i>86 — 100 фоиз</i>	<i>30 балл</i>
	<i>71 — 85 фоиз</i>	<i>25 балл</i>
	<i>56 — 70 фоиз</i>	<i>20 балл</i>
г)	таълим-тарбия бериш воситалари ва шакллари мақбул равишда танлаганлиги учун	10 балл
д)	тавсия этилган илғор педагогик услуб ва технологияларни («case study» услуги, лойиҳалар услуги, ҳамкорликда ўқитиш,	20 балл

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
	«амалий ўйин», интерфаол таълим услуби ва бошқалар) қўллаганлиги учун	
2.	Меҳнат самарадорлиги	жами 100 балл
а)	машғулотлар (дарслар) ишланмалари ишлаб чиққанлиги учун	20 балл
б)	ўқув семинарлари ёки методик бирлашмаларда услубий ишланмалари билан иштирок этганлиги учун:	30 балл
	<i>республика миқёсида</i>	30 балл
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят (Тошкент шаҳри) ва туман (шаҳар) миқёсида</i>	20 балл
в)	илғор педагогик иш тажрибаларини ўрганганлиги ва иш тажрибасини оммалаштирганлиги учун:	30 балл
	<i>республика миқёсида</i>	30 балл
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят (Тошкент шаҳри) ва туман (шаҳар) миқёсида</i>	20 балл
г)	ишлаб чиқилган услубий материаллар учун:	20 балл
	<i>методик тавсиялар учун</i>	10 балл
	<i>муаллифлик дастурлари учун</i>	10 балл
II. Умумий ўрта таълим муассасалари педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари		
1.	Дарс ўтиш маҳорати бўйича	жами 100 балл
а)	дарс машғулотлари таҳлиллари учун (ҳар ўқув йилида):	20 балл
	<i>34 соат ва ундан ортиқ дарс таҳлил қилинганда</i>	20 балл
	<i>22 — 30 соат дарс таҳлил қилинганда</i>	15 балл
	<i>12 — 20 соат дарс таҳлил қилинганда</i>	10 балл
б)	очиқ дарс ўтганлиги учун (ҳар ўқув йилида):	20 балл
	<i>уч марта очиқ дарс ўтилганда</i>	20 балл
	<i>икки марта очиқ дарс ўтилганда</i>	15 балл
	<i>бир марта очиқ дарс ўтилганда</i>	10 балл
в)	таълим олувчиларнинг ўқув фанидан рейтинг кўрсаткичлари учун (синф журналлари асосида)	20 балл
	<i>86 — 100 фоиз</i>	20 балл
	<i>71 — 85 фоиз</i>	15 балл
	<i>56 — 70 фоиз</i>	10 балл
г)	таълим бериш воситалари ҳамда шаклларини мақбул равишда танлаганлиги учун	20 балл
д)	тавсия этилган илғор педагогик услуб ва технологияларни («case study» услуби, лойиҳалар услуби, ҳамкорликда ўқитиш, «амалий ўйин», интерфаол таълим услуби ва бошқалар) қўллаганлиги учун	20 балл
2.	Меҳнат самарадорлиги	жами 100 балл
а)	таълим олувчиларнинг тайёргарлиги учун (ташқи назорат иши орқали аниқланадиган рейтинг кўрсаткичлари бўйича):	30 балл
	<i>86 — 100 фоиз</i>	30 балл
	<i>71 — 85 фоиз</i>	20 балл
	<i>56 — 70 фоиз</i>	10 балл
б)	таълим олувчиларнинг фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ва турли мусобақаларда эришган ютуқлари учун:	30 балл
	<i>республика ва халқаро миқёсида бўлса</i>	30 балл

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят (Тошкент шаҳри) миқёсида бўлса</i>	20 балл
	<i>туман (шаҳар) миқёсида бўлса</i>	10 балл
в)	аттестациядан ўтувчиларнинг кўрик-танловлар ва турли мусобақаларда эришган ютуқлари учун:	40 балл
	<i>республика ва халқаро миқёсда бўлса</i>	40 балл
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят (Тошкент шаҳри) миқёсида бўлса</i>	30 балл
	<i>туман (шаҳар) миқёсида бўлса</i>	20 балл
III. Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернат педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари		
1.	Дарс ўтиш маҳорати	жами 100 балл
а)	дарс машғулоти таҳлиллари учун (ҳар ўқув йилида):	20 балл
	<i>34 соат ва ундан ортиқ дарс таҳлил қилинганда</i>	20 балл
	<i>22 — 30 соат дарс таҳлил қилинганда</i>	15 балл
	<i>12 — 20 соат дарс таҳлил қилинганда</i>	10 балл
б)	очиқ дарслар ўтганлиги учун (ҳар ўқув йилида)	20 балл
	<i>уч марта очиқ дарс ўтилганда</i>	20 балл
	<i>икки марта очиқ дарс ўтилганда</i>	15 балл
	<i>бир марта очиқ дарс ўтилганда</i>	10 балл
в)	таълим олувчиларнинг ўқув фанидан рейтинг кўрсаткичлари учун (синф журналлари асосида)	20 балл
	<i>71 — 100 фоиз</i>	20 балл
	<i>56 — 70 фоиз</i>	15 балл
	<i>50 — 56 фоиз</i>	10 балл
г)	таълим бериш воситалари ҳамда шаклларини мақбул равишда танлаганлиги учун	20 балл
д)	тавсия этилган илгор педагогик услуб ва технологияларни («case study» услуби, лойиҳалар услуби, ҳамкорликда ўқитиш, «амалий ўйин», интерфаол таълим услуби ва бошқалар) қўлланганлиги учун	20 балл
2.	Меҳнат самарадорлиги	жами 100 балл
а)	таълим олувчиларни тайёрлаш самарадорлиги учун	50 балл
	<i>таълим олувчиларни тайёрлаш учун ривожлантирувчи (коррекция) материаллар яратган, илгор педагогик иш тажрибаси республика миқёсида оммалаштирилган, методик тавсиялар ва муаллифлик дастурлари ишлаб чиққан бўлса</i>	50 балл
	<i>иш тажрибаси Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят (Тошкент шаҳри) миқёсида оммалаштирилган, дарс (машғулот) ўтиши учун кўргазмали ва тарқатма материаллар, методик тавсиялар яратган бўлса</i>	40 балл
	<i>иш тажрибаси туман (шаҳар) ёки таълим муассасаси бўйича оммалаштирилган, дарс (машғулот) ўтиши учун кўргазмали материаллар яратган бўлса</i>	30 балл
б)	таълим олувчиларнинг фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ва турли мусобақаларда эришган ютуқлари учун:	20 балл
	<i>республика ва халқаро миқёсда бўлса</i>	20 балл

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят (Тошкент шаҳри) миқёсида бўлса</i>	10 балл
	<i>туман (шаҳар) миқёсида бўлса</i>	5 балл
в)	аттестациядан ўтувчиларнинг кўрик-танловлар ва турли мусобақаларда эришган ютуқлари учун:	30 балл
	<i>республика ва халқаро миқёсда бўлса</i>	30 балл
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят (Тошкент шаҳри) миқёсида бўлса</i>	20 балл
	<i>туман (шаҳар) миқёсида бўлса</i>	10 балл
IV. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари педагогларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари		
1.	Дарс ўтиш маҳорати	жами 100 балл
а)	дарс таҳлиллари учун (ҳар ўқув йилида):	20 балл
	<i>40 соат дарс таҳлил қилинган бўлса</i>	20 балл
	<i>34 — 38 соат дарс таҳлил қилинган бўлса</i>	17 — 19 балл
	<i>28 — 32 соат дарс таҳлил қилинган бўлса</i>	14 — 16 балл
	<i>26 — 20 соат дарс таҳлил қилинган бўлса</i>	11 — 13 балл
	<i>18 соатдан кам дарс таҳлил қилинган бўлса</i>	0 — 10 балл
б)	очиқ дарслар ўтганлиги учун (мунтазам равишда):	20 балл
	<i>уч ўқув йилида</i>	20 балл
	<i>икки ўқув йилида</i>	15 балл
	<i>бир ўқув йилида</i>	10 балл
в)	таълим олувчиларнинг ўқув фанидан рейтинг кўрсаткичлари учун:	30 балл
	<i>86 — 100 фоиз</i>	30 балл
	<i>71 — 85 фоиз</i>	20 балл
	<i>56 — 70 фоиз</i>	10 балл
г)	таълим бериш воситалари ҳамда шакллари мақбул равишда танлаганлиги учун:	10 балл
д)	тавсия этилган илғор педагогик услуб ва технологияларни («case study» услуби, лойиҳалар услуби, ҳамкорликда ўқитиш, «амалий ўйин», интерфаол таълим услуби ва бошқалар) қўллаган бўлса	20 балл
2.	Меҳнат самардорлиги	жами 100 балл
а)	таълим олувчиларнинг тайёргарлиги учун (назорат иши орқали аниқланадиган ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси бўйича):	30 балл
	<i>86 — 100 фоиз</i>	30 балл
	<i>71 — 85 фоиз</i>	20 балл
	<i>56 — 70 фоиз</i>	10 балл
б)	таълим олувчиларнинг фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ва турли мусобақаларда эришган ютуқлари учун:	30 балл
	<i>республика ва халқаро миқёсда бўлса</i>	30 балл
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят (Тошкент шаҳри) миқёсида бўлса</i>	20 балл
	<i>туман (шаҳар) миқёсида бўлса</i>	10 балл
в)	аттестациядан ўтувчиларнинг кўрик-танловлар ва турли мусобақаларда эришган ютуқлари учун:	40 балл

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
	<i>республика ва халқаро миқёсда бўлса</i>	40 балл
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят (Тошкент шаҳри) миқёсида бўлса</i>	30 балл
	<i>туман (шаҳар) миқёсида бўлса</i>	20 балл
V. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари педагогларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари		
1.	Дарс ўтиш маҳорати	жами 100 балл
а)	дарс таҳлиллари учун (ҳар ўқув йилида):	30 балл
	<i>18 соат ва ундан ортиқ дарс таҳлил қилинган бўлса</i>	30 балл
	<i>8 — 17 соат дарс таҳлил қилинган бўлса</i>	20 балл
	<i>2 — 7 соат дарс таҳлил қилинган бўлса</i>	10 балл
б)	очиқ дарс машғулоти ўтганлиги учун (ҳар ўқув йилида):	40 балл
	<i>уч марта очиқ дарс ўтилган бўлса</i>	40 балл
	<i>икки марта очиқ дарс ўтилган бўлса</i>	30 балл
	<i>бир марта очиқ дарс ўтилган бўлса</i>	20 балл
в)	таълим олувчиларнинг мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари бўйича рейтинг кўрсаткичлари учун:	30 балл
	<i>86 — 100%</i>	30 балл
	<i>71 — 85%</i>	20 балл
	<i>56 — 70%</i>	10 балл
2.	Меҳнат самардорлиги	жами 100 балл
а)	таълим олувчиларнинг тайёргарлиги — ҳисобот концертларини мунтазам ўтказганлиги учун:	40 балл
	<i>уч марта ўтказилган бўлса</i>	40 балл
	<i>икки марта ўтказилган бўлса</i>	30 балл
	<i>бир марта ўтказилган бўлса</i>	20 балл
б)	таълим олувчиларнинг кўрик-танловлар, олимпиадалар (мусиқа назарияси, мусиқа ва санъат адабиёти) ва турли мусобақаларда эришган ютуқлари учун:	30 балл
	<i>республика ва халқаро миқёсда бўлса</i>	30 балл
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят (Тошкент шаҳри) миқёсида бўлса</i>	20 балл
	<i>туман (шаҳар) миқёсида бўлса</i>	10 балл
в)	аттестациядан ўтувчиларнинг ўқув семинарлари ёки методик бирлашмаларда услубий ишланмалари билан иштирок этганлиги учун:	30 балл
	<i>республика миқёсида</i>	30 балл
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят (Тошкент шаҳри) миқёсида</i>	20 балл
	<i>туман (шаҳар) миқёсида</i>	10 балл
VI. «Баркамол авлод» болалар марказлари педагогларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари		
1.	Машғулоти (дарс) ўтиш маҳорати	жами 100 балл
а)	машғулоти (дарс) таҳлиллари учун:	30 балл
	<i>36 соат ва ундан ортиқ машғулоти (дарс) таҳлил қилинган бўлса</i>	30 балл
	<i>22 — 30 соат машғулоти (дарс) таҳлил қилинган бўлса</i>	20 балл

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
	<i>12 — 20 соат машгулот (дарс) таҳлил қилинган бўлса</i>	<i>15 балл</i>
б)	очиқ машгулотлар (дарслар) ўтганлиги учун (ҳар ўқув йилида)	30 балл
	<i>икки марта</i>	<i>30 балл</i>
	<i>бир марта</i>	<i>15 балл</i>
в)	тўғарак аъзоларининг давлат талабларини ўзлаштириш рейтинг кўрсаткичлари учун:	40 балл
	<i>86 — 100%</i>	<i>40 балл</i>
	<i>71 — 85%</i>	<i>35 балл</i>
	<i>56 — 70%</i>	<i>30 балл</i>
2.	Меҳнати самарадорлиги	жами 100 балл
а)	гуруҳга тўғарак аъзоларининг жалб қилинганлиги учун:	50 балл
	<i>гуруҳдаги тўғарак аъзолари сони 16 нафар ва ундан ортиқ бўлса</i>	<i>50 балл</i>
	<i>гуруҳдаги тўғарак аъзолари сони 12 — 15 нафар бўлса</i>	<i>40 балл</i>
	<i>гуруҳдаги тўғарак аъзолари сони 10 — 11 нафар бўлса</i>	<i>30 балл</i>
б)	тўғарак аъзоларининг туман, шаҳар, вилоят, республика, халқаро тадбирлар ва турли мусобақаларда иштироки учун:	50 балл
	<i>республика ва халқаро миқёсда бўлса</i>	<i>50 балл</i>
	<i>Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят (Тошкент шаҳри) миқёсида бўлса</i>	<i>40 балл</i>
	<i>туман (шаҳар) миқёсида бўлса</i>	<i>30 балл</i>
VII. Ўқув фани бўйича малака синовлари (тест, ёзма ёки ижодий иш) (аттестациядан ўтувчи барча таълим муассасалари педагоглари учун)		
а)	тест саволлари бўйича аниқланганда:	100 балл
	<i>тест 40 та саволдан иборат бўлади, ҳар бир саволга тўғри жавоб берилганлиги баҳоланади</i>	<i>ҳар бир тўғри жавоб учун 2,5 балл</i>
б)	ёзма иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	<i>ёзма иш 5 та топшириқдан (саволдан) иборат бўлади, ҳар бир саволга берилган жавобдан келиб чиқиб баҳоланади</i>	<i>ҳар бир жавоб 20 баллгача баҳоланади</i>
в)	ижодий иш бўйича аниқланганда:	100 балл
	<i>ижодий иш 5 та ижодий топшириқдан иборат бўлади, ҳар бир топшириқнинг белгиланган вақтда, тўлиқ, тўғри ва сифатли бажарилганлиги баҳоланади</i>	<i>ҳар бир иш 20 баллгача баҳоланади</i>
VIII. Хорижий тиллар, компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларини билиш ҳамда ижтимоий-сиёсий билимларни аниқлаш юзасидан ўтказилган суҳбат натижаларини баҳолаш мезонлари (аттестациядан ўтувчи барча таълим муассасалари педагоглари учун)		
а)	хорижий тилларни билганлиги учун:	30 балл
	<i>тинглаб тушунса ва тинглаб тушунганини оғзаки баён эта олса, оғзаки эркин мулоқот қила олса</i>	<i>30 балл</i>
	<i>тинглаб тушунса ва тинглаб тушунганини оғзаки баён эта олса</i>	<i>20 балл</i>
	<i>содда матнларни ўқий олса, ўзи ҳақида маълумот бера олса</i>	<i>10 балл</i>
б)	компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларини билганлиги учун:	30 балл

Т/р	Баҳолаш объекти	Балл
	<i>интернет ресурслари, мультимедиа воситалари ва маҳсулотларидан мақсадли фойдалана олса ва офис дастурлари ёрдамида ўқув-услубий, кўргазмали материалларни тайёрлай олса</i>	30 балл
	<i>офис дастурлари (матн муҳаррири, электрон жадвал, тақдимот) ёрдамида ўқув-услубий, кўргазмали материалларни тайёрлай олса</i>	20 балл
	<i>компьютер тузилиши ва имкониятларини билса, офис дастурларидан (матн муҳаррири, электрон жадвал, тақдимот) фойдалана олса</i>	10 балл
в)	ижтимоий-сиёсий билимларни эгаллаганлиги учун:	40 балл
	<i>жаҳонда ва республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида содир бўлган муҳим воқеликлардан, сўнги воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлса ҳамда уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини эркин тарзда таҳлил қила олса</i>	40 балл
	<i>республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида содир бўлган муҳим воқеликлардан, сўнги воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлса ҳамда уларга нисбатан ўз муносабатини билдира олса</i>	30 балл
	<i>республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида содир бўлган муҳим воқеликлардан ва сўнги воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлса</i>	20 балл
	<i>республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида содир бўлган муҳим воқеликлардан ва сўнги воқеа-ҳодисалардан қисман хабардор бўлса</i>	10 балл

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

588 Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил
21 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2155-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 23 октябрдаги 34/8-сонли қарори (рўйхат рақами 2155, 2010 йил 19 ноябрь)

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.